



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 19-iyul • №29 (4220)

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР



Яшил чироқ ёнғач кўзгалган автобус, сал наридаги бекатда бирров тўхтаб йўлда давом этди. Шунда ойнадан бир лавҳага кўзим тушди. Бу пойтахтимиздаги "Маърифат маркази"нинг теваракка ажиб бир шукуҳ бағишловчи мўъжаз хиёбони четига лавҳа. Фавворанинг пастлай бошлаган қуёш нурида тортган нафис камалаги ушбу лавҳани ва гавжум хиёбонни янада латиф қилиб турибди. Тилга олинган лавҳада ушбу майдоннинг эски ва янги ҳолати тасвир этилган бўлиб, бу манзара талабалик йилларимни ёдимга солди.

Мақтабни тугатган йилим абитуриент бўлиб Тошкентга келганим, шу яқин атрофда яшаб туриб, ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрганимни бир-бир эсламан. Бу манзаралар менга жуда таниш эди. Вақти келиб ўқиш жойим — ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факултети ҳам шу яқин орада жойлашгани маълум бўлди. Олой бозори биқинидаги "Юлдуз" фабрикаси ёнида ўқирдик. Ҳозиргина кўрган суратим — бинонинг ўрнидаги эски манзарани кўз олдимга келтирдим: катта йўл ёқалаб кўримсиз, яқкам-дуккам дархатлар, ҳозирги мушташам "SITY PALACE" меҳмонхонасига яқин жойларда эса пасткамгина савдо шохобчалари бўларди. Дарвоқе, бугунги кунда худди шу жойда яна бир мушташам бинонинг кенг кўламли қурилиш ишлари бошлаб юборилган, билишимча, бу бино қад ростлагач "Маърифат

маркази" билан яхлит бир ансамблини ташкил этади. Ёдингизда бўлса, шу йилнинг апрел ойи ўрталарида пойтахтимизда, айнан шу "Маърифат маркази" биносида бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусида бўлиб ўтган эди. Яқинда ушбу анжуман якуналарига оид ҳужжат БМТга аъзо давлатларнинг миссиялари ўртасида тарқатилди. Мазкур ҳужжатда бу борадаги Ўзбекистоннинг таърибаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш истагидаги хорижий мамлакатларга ўрганиш учун тавсия этилди. Шуларни ўйларканман, юртимизнинг турли ғўшаларидаги обод манзилларни тасаввуримга келтирдим. Лавҳадаги таққос туфайли муқаддас туйғуни, шу

обод юртга дахлдорлик ҳиссини янада тирақроқ туйдим. Кинорежиссёр Зулфқор Мусоқовнинг "Ватан" филмида шундай лавҳалар бор. Урхо-ур замонларда хорижга чиқиб кетган ватандошимиз самолёт зинасидан тушгач, ерга чўккалайди. Шунда ўғли: "Нима қилаяпсиз, дада?" дейди. Отаси: "Она тупроқни ўпмоқчиман", деганида, ўғли: "Дада, тупроқ эмас, бу асфалт-ку!" деб хитоб қилади. Ички бир тасаввурлар ва кўриб тургани — киндик қони томган заминнинг бугунги қиёфаси кекса отахоннинг қалбида муқаддас туйғуларини жунбушга келтиради. Айни мулоҳазалар хаёлимда кечаётганида буни эслашнинг сабаби эса яна таққослаш, қиёслаш ва соғинч ҳисси эканлигини чуқур ҳис этдим. Шу ўй-хаёллар билан манзилга етиб олганимни сезмай қолибман.

Давоми иккинчи саҳифада.



БУҒДОЙ ИЗИ

Ёзган каби Рабғўзи, бугдой Жаннат меваси ўзи бугдой.

Дехқон уни уйғотар суюб, Бўлсин, дейди, ер юзи бугдой.

Одам Ато, Момо Ҳавонинг Бўлмиш охир ризқ-рўзи бугдой.

У бор жойда барака, тинчлик, Эзгу ният иддизи бугдой.

Сомон йўли — қарвон тўзони, Тўқилган ҳар юлдузи бугдой.

Асл йигит элига мадор, Босгани — ҳар бир изи бугдой.

Бир донаси кўкда думалаб, Порлаб ётар кундузи бугдой.

Ў, ўзбегим Ойбарчинлари, Икки юзи қирмизи бугдой.

Бу бир диёр... баҳори — ипак, Кузи момик ва ёзи бугдой.

Кўнгил бериб Алпомишларга, Бек ўғли ой қизи бугдой.

Қишда кўрпа ёпиниб олиб, Уйқуда ётган кези бугдой,

Шундай гўзал, обод Ватанда Саъдуланинг ҳар сўзи бугдой!

Саъдулла ҲАКИМ

ДОВОН ОШГАН ТУЛПОРЛАР

Қишлоққа борганимда тўқсонни қаршилаётган момом катта акамникига олиб бориб кўйин, деб қолди. Эрталабдан қиздираётган қуёшдан эришибми баҳона маладим. — Бир оз ишим бор эди, кеча яқин акам келин, машинада ўзи олиб боради, — дедим. Момом жуда соғинган экан, "Йўқ, ҳозир олиб борасан", деб туриб олди. Нима дердим, "хўп" дея дарвоза ҳатлаб кўчага чиқдим-да, катта йўлгача борини ўйладим. У ёқ-бу ёққа қараб турганим кўшимиз Назар ака янги "Нексия"сида уйдан чиқа бошлади. Мени, ортимдан пидираб қалаётган жиккаккина момомни кўриб, ён ойнасини туширди ва бизга салом берди "Йўл бўлсин!" — деганча жавобимизни ҳам кутмай, — ўтиринглар, обориб қўяман, — деди.

Машина енгилгина сузиб кетаркан, ёнимиздан далага, қишлоқдан туман марказига ўтиб-қайтаётган машиналар қатновига боқиб, беихтиёр шу ерда ўтган болалигимни ва айни дамда шинам кўчаларга айланган тупроқ йўллари кўз олдимга келтирдим. Қишлоқда мен билган биргина машина бўларди. Бу амакимнинг "Комби" машина-

Ватан учун яшашлик!

си. Амаким бу машинаниям бир ярим йил навбатда туриб олган ва қишлоқда тантана бўлиб кетган. Амаким Қишлоқ кенгашида ишларди, шу сабабдан ҳам машинани тезроқ "қўлга киритгани" бот-бот ифтихор билан тилга олинарди. Бу машина ўз вақтида чиндан

ҳам кўпчилиكنинг қорига яради. Кимнинг келини фарзанд кўрар бўлса, туғруқхонага элтар, кейин туғруқхонадан олиб келарди. Бирор тўй-томошага ҳам, маракага ҳам шу машинада бориларди. Амакимнинг гурур-ла гердайишларини ҳали-ҳали эсламан. Мақтабга боришда бир марта миниб учун баайни йўталиб турган "Комби"ни қийқириб

ортидан суриб, ўт олдирилганларимиз ҳам эсимда.

Бу манзаралар биздан катталарга яхши таниш, албатта. Кўпи билан йигирма-ўттиз йил бурунги бу воқеалар бугун мактабга қатнаётган менинг фарзандларим асло ишонмайдилар. Негаки...

Оддийгина бир қишлоқ йўлидаги транспорт ҳаракатига назар ташлабқ бу сўзимизга кўшилмасиз. Қишлоқ йўллари уларга торлик қилаётгандек, гўё. Қишлоқда қад ростлаган замонавий уй-жойлар олдида қаторлашиб турган машиналар, фермер шийпонига тақаб қўйилган "Ласетти"ю "Дамас"ларга бугун кўзимиз ўрганиб қолди.

Давоми иккинчи саҳифада.

АНЪАНАЛАР ДАВОМИЙЛИГИ

Шарқ халқлари мусиқа санъатида азалдан амалий малакалар назарий билимлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Шу боис мусиқа амалиётда устувор бўлган ижодкорлик соҳаси доимо илмий жиҳатдан ўрганиб, махсус рисолаларда таҳлил этиб келинган. Ушбу азалий анъаналарни давом эттирган ҳолда Президентимиз ташаббуси билан "Шарқ раоналари" халқаро мусиқа фестивали таъсис этилиб, унинг доирасида илмий-назарий анжуман ўтказиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бинобарин, мазкур илмий анжуман ҳам фестивал каби 1997 йилдан бошлаб ҳар икки йилда ўтказиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур анжуман ўз иштини фестивалнинг асосий гоёлари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боради. Чунончи, унинг мавзуси фестивал Низомиди кўрсатилган мақсад ва вазибалардан келиб чиққан ҳолда танланади. Бунда, энг аввало, Шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон мусиқа санъатининг турли жаҳалари ва унинг ривожланиш тамойиллари ҳамда бугунги кунда ўз ечимини қутаётган долзарб муаммолар муҳофиза қилинади. Шу пайтга қадар ўтказилган илмий анжуманларда "Жаҳон халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги муаммолари"дан тортиб (1997), "Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг мероси" (2001), аниқроғи, "Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси" (1999, 2005), "Шарқ халқлари фольклор анъаналари" (2003), "Шарқ халқлари мусиқий маданияти

изланишидаги бош манбалар ва уларнинг аҳамияти" (2011), "Ўзбекистон мусиқа маданиятининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни" (2009) каби мавзуларда турли қитъалардан келган мутахассис олимлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Муҳими шундаки, илмий-назарий анжуманлар пировардида фестивалдан кўзланган "Халқ анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш", "Халқаро ижодий ҳамкорликни янада кенгайтириш" каби бош гоёлар ўзининг илмий асосини топиб бормоқда. Анжуманлар доирасидаги мулоқотлар Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро таъсирланган жараёнлари билан боғлиқ фундаментал муаммоларнинг амалий ечимига имкон яратмоқда.

Давоми бешинчи саҳифада.

«СУРАТДА САՆГА ВОЛИД...»

Истиқлол йилларида адабий меросимизни бус-бутун ҳолида нашр этиш, уларнинг миллий урф-одат ва анъаналаримиз билан чамбарчас боғланган беқиёс талқинларини халқимизга тўлиқ етказиш имконияти яратилди. Сир эмас, яқин ўтмишда, яъни мустақил шўролар тузуми даврида мумтоз адабимиз намояндалари асарлари, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий достонлари, девонлари муқаддасидаги ҳамду наътлар олиб ташланиб чоп этилларди. Адабий меросга бундай муносабатни ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Мустақиллик берган имконият, ижод эркинлиги туфайли мумтоз адабимизнинг намуналари кўркам нашрларда тўла-тўқис чоп этилди, уларда ҳамду наът, бағишловлар бўйича алоҳида тадқиқотлар, илмий рисолалар юзага келди. Булар барчаси бой меросимизни туб моҳияти билан аниқлаш, тушуниш ва шарҳлашга имконият туғдиради. Биз ҳам қуйида Алишер Навоийнинг наът ғазалларидан бирини баҳоли қудрат шарҳлашга уриндик.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали қатида сурат ва маъно уйғунлиги мужассам. Зеро, ҳар нарса фақат кўринишдангина иборат

эмас. Суратнинг замирида эса ботиний маъномоҳият бор. Ғазалиётдаги бундай хусусиятлар кўпинча рамиз-ишоралар тилида баён этилади. Лекин уларнинг бадий ечими баъзан ёлғиз мушаррафига бориб тақалади. Яъни, улар Оллоҳ кашшофлигидаги оламларнинг азалий кўриниши-ю Одамнинг яратилиши сингари илоҳий ходисалар билан муштарак тарзда талқин қилингандагина бўй кўрсатади. Булар эса мушаррафиз ангилашмайди. Албатта, бу — ғазалиётда азал-азалдан анъана тусини олиб улгурган эди.

Давоми учинчи саҳифада.

Шанлов давом этмоқда!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоврларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурури-ифтихоримиз тисоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий ташловига тақлиф этади.

Танловга «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шioriни асосий гоё сифатида ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда: мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча

соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизда яшайётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканлиги кенг очиб берилган; халқимиз ўтган даврда

ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол гоёларида садоқатини намойиш этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

Давоми олтинчи саҳифада.

"Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси иқтидорли ёшлар ўртасида расмлар бўйича кўрик - танлов ва кўргазмалар ўтказмоқда. Яқинда жамғарма биносида Юнусобод туманидаги 86-ўрта мактабнинг туртинчи синф ўқувчиси Комила Соатованинг ижодий кўргазмаси очилди. Ёш мусаввирнинг натюр-морт, пейзаж, компьютер графикасига оид асарлари ёрқин рангларга бой. Бу асарларда она юртга ва унинг меҳнатсевар халқига бўлган меҳр-муҳаббат ўз ифодасини топган. Ҳар бир детал аниқ ва ўзига хос образда талқин этилган.

КОМИЛАНИНГ ОРЗУЛАРИ



— Манзарага нисбатан натюрморт чизиш қийин, — дейди Комила. — Чунки оддий нарсаларда ҳам кайфият сезилиб туриши лозим. Чизиш жараёнида қаламга қараганда акварелда бўйш қизиқарли кечади. Леонардо да Винчи асарларини томоша қилишни ёқтираман. Эртақларни, айниқса, саргузашт эртақларни севиб мутолаа қиламан. Ана шу эртақ қаҳрамонлари ва фантастик воқеаларни тасвирлашга ҳаракат қиламан. Комиланинг буваси Мирозим Соатованинг айтишича, оилада рассомлар бўлмаган, ота-онаси ҳам бошқа касб эгалари. Қизча кичкиналигидан расм чизишга қизиққан. Бўш вақтида пианино чалади ёки сузиш билан шуғулланади. Мусиқа, спорт, тасвирий санъатга бўлган меҳри уйғунлашиб, турли-туман мавзуда чизган расмлари дунёга келмоқда.

Сарвара ҚОСИМОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Улуғ шоирнинг чуқур эътиқодига кўра ҳам, ҳар бир мусулмон фарзанди, айниқса, Шарқ ижодкори ғазалиётдаги сурат ва маъно вобасталигини теран мушоҳада қилиши учун сўнгги набийнинг асл моҳиятини бир ички сезим орқали идрок эта олиши жоиз. Шундагина у чинакам шарҳона шеърят замирида жо бўлган сурат ва маъно моҳиятига етади. Илло, шеърхон бу набийнинг сурат ва сийрати-ю, унинг замон ва макон эврилишлари аро тутган макomini чуқур ҳис ва теран фаҳм этмай туриб, улуғ мутафаккир ғазалиётдаги сурат ва маъно маснадини англаши анча мушкул. Айни шу маънода Навоий ғазалиёти замиридаги бундай ботиний хусусиятларнинг маълум бир қисми пайгамбар мадҳ этилган ояти қарималар таъсирида вуҷудга келган дейишимизга асос бор. Бу тарз кўпроқ ҳазратнинг наът ғазаллари замирида мунтазам тажасум топгандир.

Энди ана шундай наът ғазаллар сирасига кирувчи «Ғаройиб ус-сифар»нинг 114-ғазалини тўла келтирамиз:

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Суратда санга волид, маънода санга фарзанд.
Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.
Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.
Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиққинг, гул
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парқанд.
Шаҳларга гадо андоқким келди букун муҳтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳоҷатманд.
Гесу санга бўлмишдур чун силсилаий мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.
Шақкарга узубатда нутқунг не ажаб кулса
Ким, эринига эш бўлмиш ахлоқ аро шақкарханд.
Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча
Асфори самовийдин бўлган кеби йўқ Пожанд.
Не келса Навоийга сендин юз эврумаским,
Ул зарра дурр, сен меҳр, ул бандаву сен хованд.

«СУРАТДА САНГА ВОЛИД...»

Шуни айтиш жоизки, 9 байтли бу наът ғазал сўнгги мурсал – пайгамбар ва унинг арузи само ичра азалий сурат ва маъно мутаносиблигига қай тарзда дахлдорлиги борасидаги тасаввуримизни янада кенгайтиришда муҳим адабий омил бўлиб хизмат қилади. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд, Суратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Ушбу байт мазмунига кўра, Одам Ато инсоният авлодининг бардавомлигига алоқадор, яъни сабабчидир. Аммо у сен(Мустафо с.а.в. назарда тутилган – М.А.)га фақат суратда, яъни дунёвий ўлчам кўринишидагина ота, аслида эса, маънода сенга фарзанддир. Зотан, сенинг нурининг улуғ тангри таоло башариятни яратмасдан бурун яратиб қўйган эди. Негаки, тангри таоло инсонни яратишдан мурод ҳам сен туфайли эди. Улуғ мутафаккир бу манзарани бошқа бир асариди шундай образли тарзда баён этади: “У Одам Атодан ҳам илгари мавжуд бўлиб, ҳам набий, ҳам сирлар оғохи эди. У олти кунда яратилган оламдан бурун ҳам нур ҳолида бор эди. Бу шундай нурки, у юз иззаат ва шараф эгасидир. У – маъшук, яратувчи – ишқивоз эди. Оллоҳ Булбашарни яратганига қадар, бу нур узок йиллар ҳақ назаридан баҳраманд эди. Булбашар вужуди яратилганда унинг юзи шу юлдуз нуридан камол топди” («Лисон ут-тайр», нарий баён, Т., 1991, 272 – 273-бетлар).

Иккинчи байтда матлаъдаги бадий қайфият, яъни сурат ва маъно муносабатлари Юсуф пайгамбар ғўзаллиги мисолида намён бўлади. Бу ўринда Юсуф – сурат, Мустафо (с.а.в.) эса, нур – маъно рамзидир:

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди, Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Юсуф пайгамбарлар орасида ғўзалликда тенги йўқ эди, эй Мустафо (с.а.в.), лекин малоҳат – жозиба бобида у ҳам сенга ўз ҳуснини тенг топмади.

Учинчи байтда ҳам биринчи, иккинчи байтлардаги каби рамзий маъно Исо ва сўнгги мурсал тисмолида ифодаланади:

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди, Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Мазкур байтнинг мазмуни: бир замонлар Исо пайгамбарнинг муборак нафасидан ўликлар ҳам руҳ, яъни жон топар эди. Бироқ сенинг ботининги билган мусулмон фарзандлари энди нафақат адолатли динингни топди, балки ундан ҳам ортик жон топиб, бундан беҳад масрур бўлдилар. Чунки бу тириклик шунчаки бир тириклик эмас, ботиний тирикликдир. Ахир, унда ботин олами муҷассам эди. Шунингдек, ушбу байт замирида Куръонда келтирилган, яъни Исо пайгамбар Расулуплох(с.а.в.)нинг ўзидан устунлигига икром бўлганлиги ҳақидаги «Зумар» сурасининг 22-оятни маъносига ишора ҳам йўқ эмас: “Ахир, Оллоҳ кўксини Исом учун кенг қилиб қўйган, бас ўзи Парвардигори томонидан бир нур – ҳидоят устида бўлган киши кўфр зуматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурими?!” (Куръон. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур, Т., “Чўлпон”, 1992, 340-бет).

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиққинг, гул Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парқанд.

Байтнинг қисқача мазмуни: эй Мустафо (с.а.в.), сен қачонлардир даврон гулзориди сарви гулдек буй тортиб чиққанингда ҳаттоки гул хижолатдан тирноғлари билан ўз рухсорини тимдалаб ташлаган эди.

Шаҳларга гадо андоқким келди букун муҳтож, Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳоҷатманд.



яъни сўнгги илоҳий Китоб олдида ҳеч бўлди. Зотан, кўндан нузул бўлган – энган бу илоҳий Китоблар баробаринда қадим миф ёдно-маларига оид *Пожанд* – Жанд, яъни Занд томонидан ёзилган ўтпарастлик дини ҳақидаги китоб ҳам йўққа чиққани сингари. Албатта, булар беғижга эмас. Чунки сўнгги мурсал ҳеч вақт сўз суратида мағрур бўлиб, орзу билан сўзламайди. Илло, у каломнинг ҳақиқий эгасини танийди. Ахир, ул зот хар на сўйласса-да, барибир унинг каломии улуғ нур – маънодан, яъни ваҳийдан бошқа нарса ҳам эмас.

Не келса Навоийга сендин юз эврумаским, Ул зарра дурр, сен меҳр, ул бандаву сен хованд.

Авалло мақтаъдаги нотаниш бўлган характерли сўз маъносини изоҳлайлик. Бу – форсча *худованд* сўзининг қисқарган шакли *хованд*дир. Унинг луғавий маъноси “худо”. Шу маънога кўра, байтни кўйидагича шарҳлаш мумкин: энди Навоийга кажрафтор фалақдан не келса ҳам сендан ҳеч вақт ўз ўғирмайди. Чунки у (мурсал) бир зарра бўлса, сен кўёш, яъни улкан меҳр, агар у бир банд бўлса, ахир сен парвардигори оламсан. Агар бу ўринда *хованд* сўзининг кўчма “сайид” маъносини қўлла-са, у холда байт замирида кўйидаги маъно мавжуд: энди Навоийга кажрафтор фалақдан не келса ҳам сендан ҳеч вақт ўз ўғирмайди. Чунки у (Навоий) бир зарра бўлса, сен кўёш, яъни улкан меҳр, агар у бир оддий қул бўлса, ахир сен ҳар қандай балоларни қайтарувчи *хованд* – сайидларнинг сайиди-сан-ку. Яъни суратдагина одам, маънода эса, неча минг йиллар бурун ҳам нур ҳолида мавжуд бўлган малаксан. Бу байт қаттида ҳам фақат пайгамбар мадҳ этилган ояти қарималар маъносига ишора бор.

Ғазалининг бошидан охиригача маъно ва сурат мутаносиб-лиги – анбиё, сайид ул-мурсалин Мухаммад Мустафо(с.а.в.)нинг сифатлари орқали аста-секинлик билан намён бўла боради. Шуни айтиш жоизки, ғазал замиридаги ботиний маънолар шарҳини кўйидаги румиёна таъриф-тавсиф орқали ифодалаш айна мудардир: “Набий ўзининг кўриниши(сурати)дан иборат эмас. Кўриниши унинг исми. Набийнинг ўзи эса ишқ ва муҳаббатдир! Боқийдир! Худди солиҳнинг тўяси каби. Унинг фақат юзигина тўядир. Набий ўлмас ишқ ва севгидан иборатдир”. Аниқки, шоир бу ғазал замирига маънонинг сурат билан боғлиқлигини муфассал жо этган. Ахир, “Иккаласи бирлашмағуна фойда ҳам бўлмайди”. Зеро, “Сурат маъно нуридор... Демак, устунлик – суратда эмас, моҳиятда, ундаги жавҳардадир” (Румий).

Ҳазрат Алишер Навоийнинг биз юқорида шарҳлашга уринган ғазалида нур – маъно, аслида суратдан олдин пайдо бўлган, яъни маъно бирламчи деган фикр илгари сурилган. Қўринадики, мазкур ғазал мисралари замирида ана шундай ботиний маънолар олами ястаниб ётибди. Шу боис Ҳазрат ғазалиётини ўрганаётган ҳар бир китобхон бу хусусиятларни теран англаб олиши жоиздир.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ

“БАДИЙ МАТН ВА ЭСТЕТИК ТАЛҚИН”

Кейинги йиллар адабий танқидчилигида бадий асарга герменевтик ёндашув, яъни поэтик матни тушуниш ва моҳиятидан келиб чиқиб талқин этиш ҳаракати кузатилаётган. Демак, сўзлар маъноси ва матн мазмунига эътибор танқидчилик методологиясининг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда.

Доимий ҳанроҳ

Филология фанлари номзоди, доцент Исроҳон Ёқубовнинг “Фан ва технология” наشريётида chop этилган “Бадий матн ва эстетик талқин” номли рисоласида ана шу йўналишдаги изланишлар акс этган. Адабиётшунос И.Ёқубов таниқли адиб Асад Дилмуроднинг насрий асарлари — ҳикоялари, қисса ва романларини уқиш ва англаш, ҳис этиш борасида илмий

изланиш олиб борган. Бунда муаллиф бадий матн эстетик талқини муаммосига Ғарб ва Шарқ эстетикаси ҳамда адабиётшунослигининг илгор назарий қарашлари асосида ёндашган.

И.Ёқубов адабий матнга ёзувчи А.Дилмурод услуби, истеъдоди, интеллектуал салоҳияти акс этган ўзига хос мураккаб қуримла — маънолар мажмуи сифатида ёндашар экан, адиб романлари, айниқса, “Ранг ва меҳвар” асари марказидаги сөркатламликни очишга интилган. Бинобарин, ушбу рисола бадий матн замиридаги маъно, мазмуни ўзлаштириш йўналишидаги эътиборли изланишлардандир.



Рисолага ёзган “Эстетик мазмун таровати” сарлавҳали сўнг-сўзида филология фанлари номзоди Тоҳир Шермурод: “... Исроҳон Ёқубов фикрий навқиронликни, донишмандликни, таҳдид(новаторлик)ни ва ўзга манзурликларини фақат ва фақат ҳақиқатларда деб билгувчи иходошунослардан биридир. Ва унинг янгича шакллари, усуллардаги адабиётга, оламу одам моҳиятлари бўйича тасмилӣ ёндашуви... кўпроқ Асад Дилмуроднинг бир романига қаратилган “Бадий матн ва эстетик талқин” китоби бунинг ёрқин тасдиғидир”, дейди.

Рисолага педагогика фанлари доктори Қ.Йўлдошев маъсўл муҳаррирлик қилган. Тахризчилар: филология фанлари доктори Қ.Қаҳрамонов, филология фанлари номзоди А.Алимбеков.

ҲАЁТГА УЙҒУН ТАСВИРЛАР

Уйғун Рўзиев талабалигида роман ёзган, бу асарини ўқиган таниқли адиблар ёш муаллиф маҳорати ҳақида илиқ фикрлар айтишган ва “Атиргул” деб номланган мазкур роман кўпчиликка манзур бўлган эди. Албатта, бошқаларнинг эътиборини тортадиган сўз айтишга осонликча эришиб бўлмайди, зеро, шеър, ҳикоя битиш оддий юмуш эмас. Одатда, шеърлар ўн, ўн беш, нари борса йнгирма мисрадан таркиб топади ва қисқа фурсатда қозоғга туширилади. Лекин ўртача ҳажмдаги ҳикоя, одатда, ўн-ўн беш саҳифадан кам бўлмайди. Ҳикоянинг шеърдан фарқи биргина мана шу жиҳат эътиборга олинса, дуруст ҳикоя ёзиш учун илҳомдан ташқари, сабр-тоқат, ирода зарурлиги аёнлашади. Уйғун Рўзиевда шундай ирода бор эканки, талабалигида роман ёзди.

Утган йиллар мобайнида ёш ёзувчи ижодга иштиёқи баландлигини кўрсатди: ҳикоялари, қиссалари босилиб қикди, китоблари нашр этилди, ўқувчилар эътиборига тушди. Айниқса, “Қадр кечаси”

Нароҳ

қиссаси унинг ҳаётни синчковлик билан кузатиши, кўпчилик эътибор бермайдиган кундалик воқеалар замиридан теран маъно топа билиши, қаҳрамонларини жонли одамлардек гавдалантириши, уларнинг ҳолат, ҳаракатларини моҳир расом каби чизиб бера олишини намён этди.

“Тонгда қайтган каптарлар” китобига Уйғун Рўзиевнинг шу пайтгача битган энг яхши ҳикоялари жамланган. Тўпламдаги ўн еттита ҳикоянинг асарияти севги-муҳаббат мавзусида. Муаллиф қаҳрамонлари оламини уларнинг қалбидаги муҳаббат туйғусини тасвирлаш орқали ёритади, адабиётнинг бу азалий мавзусининг янги қирраларини очиб беради. Улардаги сюжетлар ҳаёт воқелигига мос, қизикарлилиги билан диққатни жалб этади.

Таъкидлаш жоизки, “Тонгда қайтган каптарлар” тўпламидаги ҳикоялар санъат ва адабиётда кўп асрдан бери устувор бўлиб келган реалистик тасвир йўлининг имкониятлари кенглигини кўрсатади. Чунки, китобдаги “Тонгда қайтган каптарлар” номли ҳикоя қаҳрамонлари – мактаб ўқувчилари Камол ва Турди кўпчилик болалар сингари каптарларга ишқибоз. Улар Маша ҳоланинг каптарларини ўғирлаб, дала ўртасидаги ташландиқ шийпон ертўласида асраб, ўзларига ўргатиб олмақчи бўлишади. Аммо каптарларига боғланиб қолган Маша ҳоланинг аҳолини кўриб Камол ўйланиб қолади. Виждони қийналган бола йири-шира тонгда каптарларни келтириб Маша ҳоланинг ҳовлисида қўйиб юборади... Ҳикодаги воқеа шундан иборат. Аммо муаллиф бу воқеани жўнгина баён этмайди, балки ҳикоядаги воқеа шундан иборат. Аммо муаллиф бу воқеани жўнгина баён этмайди, балки ҳикоядаги воқеа шундан иборат. Аммо муаллиф бу воқеани жўнгина баён этмайди, балки ҳикоядаги воқеа шундан иборат.

ҳосил қилади. Айни бурилиш ҳаёт воқелигига мос бўлганидан сунъий туюлмайди.

Ҳикояларида ёзувчи адабиётда аллақачон қўлланган сюжетларга муҳаббат этади. Аммо аънавий сюжетларнинг янги қирраларини топиб, тасвирчан ифода қила билади. У воқеаларни ортиқча ҳаяжонга берилмасдан, вазминлик билан ифода қила билади. У воқеаларни ортиқча ҳаяжонга берилмасдан, вазминлик билан ифода қила билади. У воқеаларни ортиқча ҳаяжонга берилмасдан, вазминлик билан ифода қила билади.



Энг муҳим жиҳат ноаён, тушунарсиз бўлиб қолаётгандай туюлаверади. Уйғун Рўзиев ортиқча тафсилотлар баёнига берилмаган холда воқеликни эпик кенгликда батафсил тасвирлашни маъқул кўради. Аслида ҳам воқеликни ифодалаш ижодкорнинг табиати, феъл-атворида чамбарчас боғлиқ жараёндир. “Яхши одам” ҳикояси мисолида кўрамизки, муаллиф тафсилотлар баёнига берилиб кетмайди, уларни аниқ, раво, жангдор жумлаларда ифодалайди.

Ёзувчи қаҳрамонлари воқеликнинг шунчаки иштирокчиси эмас. Улар ўз кечмиш кечиримишлари тўғрисида ўйлайди, ўз ҳаёт тарзини бошқаларнинг турмуши билан таққослайди. Таржимаи ҳолига танқидий кўз билан қараб, ўзига холис баҳо бера билади. Тўпламдаги илк ҳикоя қаҳрамони Сайрам ва Мухаррам ҳам, “Тонгда қайтган каптарлар”даги Камол ҳам, “Гуноҳкор банд”даги Алибой ҳам, “Бахтиқаролар”даги Султонмурод ҳам, “Дорбозлар”даги Тўхтамурод ҳам, “Чориевнинг янги йили”даги бош қаҳрамон ҳам ўзининг ва бошқаларнинг ҳаёти ҳақида мушоҳада қилибди, ўйлайди. Бундай руҳий, ахлоқий мушоҳада, мулоҳазалар жараёнида уларнинг фикри тиниқлашиб, қалбларига илгари ҳис қилмаган қувончли лаҳзалар ташриф бурганини муаллиф ишонарли тарзда кўрсатади. Албатта, тақдир, турмуш тажрибаси турлича бу қаҳрамонлар бари-чиси бирдек ақлли, китоб мутолаа қиладиган эриши кишилар эмас. Касб-кори, ёшига кўра ажралиб турадиган бу қаҳрамонлар оддий одамлардир. Улар ҳаёт синновларида тобланиб, ҳам маънан, ҳам руҳан улғаяди. Зеро, ташвиш, дард чекишда ана шундай хусусият мавжуд. Ҳаёт ҳақида ўйлаш киши учун ҳеч қачон самарасиз кечмайди. Шу боисдан ҳам рус адиби Фёдор Достоевский: “Ҳақиқий, чин дард ҳатто ҳаддан зиёд энгилтабиат одамни ҳам вазмин ва матонатли қилиб қўйишга қодир бўлади гоҳида”, деб ёзган эди.

Муаллиф барча асарларида ҳар қандай инсон қалбида, у ким бўлишидан қатъи назар, эзгуликка интилиш ҳисси мавжудлигини, одам ҳар қанча адашмасин, барибир яхшиликка томон юз буриши, шу ҳақиқатни англаб етишини таъкидлайди. “Тонгда қайтган каптарлар” тўпламидаги турли мавзудаги ҳикояларни айна хусусият – инсонга ишонч ҳисси бирлаштириб туради. Инсонпарварлик руҳига йўғрилган ушбу ҳикоялар бошқалар қалбига ҳам эзгу хисларни олиб киради. Ижодкор асарларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Адибнинг бунгун кун кишининг мураккаб оламини таъсирчан гавдалантирган ҳикоялари ҳаётга уйғун тасвирлари билан диққатни тортади. Унинг ҳикоя, қиссалари ҳаёт ҳодисаси ва инсон образини реалистик акс эттириш адабиётда ҳаммаша етакчи мавқо эгалари, реализм имкониятлари бениҳоя кенглиги, бу аънавий услуб ҳар бир ижодкорнинг истеъдодини намойиш этиши учун муносиб майдон бўла олишини кўрсатади.



Абдулла УЛҒОВ

Абдулла ШЕР

ЭРКИНЛИК ХУМОЙИ БОШИМГА ҚҮНДИ

ЭРК

Қоғозга айланди сохта романлар,
Қочилар ясама қаҳрамонларим.
Қайтадан тирилди яхши-ёмонлар,
Аҳрамазладо аҳриманларим.

Қайтадан янграган қадим оҳанглр,
Эслатар юракнинг тунғилган кунин.
Сўзим ерга тўша — тушроқ жаранглр,
Осмонга чиқса у — оловли жузун.

Асрдан-асрга салқитиб қанот,
Эркинлик Хумойи бошимга қўнди.
“Мен!” деган сўзимга бахш этиб ҳаёт,
Қадимий гурурим бугўлойдек унди.

Куфр кўзойнаги йитиб кўзимдан,
Беғубор томонга яна тикылдим.
Яна ҳикмат янграб эркин сўзимдан,
Ўзимни оламга халифа билдим.


Ва лекин бу бахтга етмади, ҳайҳот,
Қанчалаб арслоним, қанчалаб ашшим!..
Бути пок рухларни айлаганча ёд,
Асрга қўшилди ёшар қалбим!

ТАРЖИМАН ҲОЛИМДАН ПАРЧА

Асрни асрга улаб бир қатим —
Умр деб аталган чайир ип билан,
Ўзи амадим, сўзи аядим,
Шеърни гул деб билдим, китобин — чаман.

Замондан замонга ўтаркан, йўлда
Қулликдан, хурликни фарқлаб олодим.
Сўздан ўстирганим ҳар битта гулда
Баҳорнинг рангини сақлаб қолодим.

Мен қайта тунғилдим Ойбек ўлган кун,
Ва “Чўли ироқ”ни йиғлаб эшитдим.
Жоним чарсиллади, сачради учқун,
Умримни оловга илк бор эш тутдим.



Шу-шу бир манзара тинч қўймас ҳамон,
Ойбекни қўраман чўли ироқда.
Шом қўнар. Фурубда ташналаб қарвон,
Дарёни қилдириб юрар қирғоқда.

Чайқалар, чайқалар сарбонсиз тўда:
Товуш ва лекин йўқ эрур сўзлар.
Тун жимжит. Сахро жим. Олам уйқуда.
Ойбекда тўхтайдил илоҳий назар.

Шу зам бўлут очар ойнинг юзини,
Юлдузлар жаранглаб айтади тақбир.
Қумга тушиб қолган Ойбек изини,
Авайлаб силлайди қудратли тақбир.

Улуғ бахтдир, дўстим, яшамоқ,
Қувонч бир ён, қайгулар бир ён.
Гоҳ куёшдан чирок ёруроқ:
Гоҳ саргардон, гоҳида гирён...

Тарк этмайди сени туйғулар,
“Дук-дук” урмас уларсиз юрак:
Гоҳ орзудек кўйлайди сувлар,
Гоҳ умиддек шилдириб терак.

Гоҳ чироқнинг бошини эгиб,
Чақирасан юлдузин, ойни:
Мангуликнинг жинга тегиб,
Удуглайсан оний чиройни.

Сен бахтлисан, барибир, дўстим:
Ёнгандан ёзу куз ўтар.
Шамол билан шивирлаган сим,
Ҳавас билан сени қузатар...

Кўнгим менинг куёшдек ёруғ,
Кўнгим менинг ой каби гўзал.
Мен қорға ҳам сепаман уруғ,
Қадамимдан уйғонар ҳамал.

Бу дунёдан сизлаб олганим,
Шеър аталган қадим наводир.
Юлдузлардан тилаб олганим —
Осмон исси мисрамга жодир.

Асли осмон ўғлиман. Шуидай.
Лекин ерда тунғилдим, дўстим.
Кўкдан тушган қутлуғ учқундай,
Гулхан бўлиб заминда ўсдим.

ЁР ВИСОЛИ

Дунё кен-у кўндир йўллари,
Бир йўлдамиз, лекин икковлон.
Йўл бошида баҳор гуллари,
Имлаб турар бизни бахт томон.

Висол шавқин ёниб тотамиз,
Бўрон турар ҳар бир мушакда.
Икки куёш бўлиб ётамиз,
Ой нур тўққан оппоқ тўшакда.

Тонгда сайраб уйғотар қушлар,
Бир жуфт қуш деб икковимизни.
Қушқудзаги совуқ товушлар,
Ўчирилмас оловимизни.

Тунда ёниб боқамиз тағни,
Вужудимиз айланар қўза.
Яқинимизи, шу қадар яқин,
Орамизда жой қолмас сўзга.

НИДУҒАР

Эҳ, нидуғар! Яшайсан нек бахт,
Сувни севиб, сувга ботмасдан.
Кулф урасан юзада ҳар вақт,
Бир чуқурроқ томир бормасдан.

Сенга ўхшаш мен севган барно,
Қуйдирмажон — қуйдираб ҳар кеч:
Кулф урар-у қўйимда, аммо
Юрагимга кириб бормас ҳеч.

Гулчехра ЖҲРАЕВА

ВАТАННИ СЕВМОҚЛИК ШУ



Бунда туғилади чин қаҳрамонлар,
Ватани сеवмоқлик шу бўлса керак.

Элим деб, юртим деб жонини тиккан,
Раҳнамо умрга — энг эзгу тилан.
Меҳрибон сарвари соғ, омон экан,
Ватани севмоқлик шу бўлса керак!

САРАТОН

Дим ҳавонинг иситмаси хўп баланд,
Гармсел нафас уфурди оғзидан.
Муздай сувни қўқсига сепган билан,
Пар айланиб хинпа олар бўғзидан.

Жон қиритар субҳидамдаги шабнам,
Ташналикдан чечаклар чекса озор.
Қуёшга алёр айтар шод, хуррам,
Пахтазору, бугўдзору мевазор.

ҲАМРОҲ

Мунис шеърларимдан тўқилган сирдош,
Меҳнат қозонида қайнадик икков.
Иссиқ-совуқларда сен менга йўдош,
Амудан Сиргача кезибмиз яёв.

Ишчим, деҳқоним, олим, талаба,
Инсонлар қалбида таширғи — бурчимиз.
Қайдаки тантана қилди галаба,
Бесамар юрмадик мақсад учун биз.

Истиқлол йўлига тушганда “ғов”лар,
Ташвишли қунарда бўлидик ҳамжихат.
Тилини тишлади кўролмас ёлар,
Муштаҳкам бирланди халқу жамият.

Янгича давронда фикр ҳам озол,
Яратмоқ ишқиди ҳар юрак урмиш.
Марду майдонларга ватан қўшқанот,
Ободлик авжида ёнади турмуш.

Муқаддас даргоҳдир ижод олами,
Кўнглига нур сочар адабий ҳаёт.
Ҳеч қачон тўхтама, азиз қаламим,
Бизга насиб этсин абадий ҳаёт!

ВАҚТ КУТМАЙДИ

Эришчоллик — ҳайданг қўнғилдан,
Боша бало ортмасидан у.
Муздак сувни қўйинг эпитдан,
Танбал қилиб қўймасин уйку...

Кувинг уни дала-даштларга,
Ерни чопсин, қаварсин билар.
Пойни тегсин тоғу тошлар,
Объини “ўқсин” тиланар.

Шоғирд тушсин устоз Меҳнатта,
Билмаганини билишга шонсин.
Олов ёқсин суниқ тайратта,
Муҳаббати ҳаётга ошсин.

Эришчоллик бор экан қимда,
Эрк бермангиз илди отишга.
Ечиб олиб сўнги қўйлақни,
Тайёр турар уни сотишга.

Кутиб турмас шиддатли замон,
Умр ўтар, аямайди вақт.
Армонларда қолмасин армон,
Сизни излаб югурмайди бахт.

дан ўрناق олиб, айрилган масалларни ба-
жариш керак. Сизларнинг маҳаллангиздан
ўндан зиёда фан номзодлари, докторлар ети-
шик чиққан, эл танийдиган, хурматлайдиган
одамлар туман, вилоят миқёсида кўп. Шунга
муносиб бўлиш керак, — деди ҳокимият ва-
кили, сўзини давом эттириб. — Ҳар бир га-
пимиз амалий натижасини топсин. Домла-
нинг шу гапларидан сўнг, қўл қовуштириб
ўтирмайлик-да, маҳсул гуруҳ тузайлик. Ана
шу хайрли ишларни амалга ошириш унинг
ўзига топширилади. Нима ёрдам керак
бўлса, мана, фермерлар, тадбиркорларимиз
бор. Улар ҳам савобли ишдан ўзини олиб
қочмас. Қолаверса, биз бор. Фақат бу иш-
ларни ким бўйнига олади? Масала шунда.
Ҳеч ким ваъда бериб, шу ишга мен бош бўла-
ман, демайди. Ё борми?
Зал жимиб қолди. Кўпчилик, ҳатто
юқорида ўтирганлар ҳам беихтиёр Дадаш
муаллимга қаради. Муаллим ўрнидан турди ва

Эркин УСМОНОВ ВАЪДА

— Бўлди! Тушундим, мен шу ишни
бўйнига оламан, — деди. — Фақат ёним-
да турсаларингиз бўлди...


Охир-оқибат, маҳсул иши гуруҳ тузи-
либ, унга Дадаш муаллимнинг ўзи раҳбар
қилиб тайинланди. Шу билан мажлис туга-
ди. Залдан чиқиб келишганда ҳамқишлоқ-
лар Дадаш муаллимни табриқлашди, ким-
лардир истеҳзоли кулимсирлади, илжайди,
кимдир шеригига маъноли қараб қўйди.
Уша қундан бошлаб Дадаш муаллимнинг
номи қишлоқдагиларнинг тилидан тушмай
қолди. Баъзи бир китмир одамлар ҳар
қўрганларида “Кўчаларимизга қачон чирок
ўрнатилди, домла?”, “Йўлларимизга қачон
асфалт ётқизилади, муаллим?” дейдиган
булишди. Ҳатто, “Сизга шу ташвишлар нима
керак, Дадаш ака? Узингизни кўрсатмоқчи
бўлдингизми? Керак одам ўзи қилиб олади!”,
деганлар ҳам бўлди...

Дадаш муаллим ишни қишлоқ йўлини ас-
фалт қилишдан бошламоқчи эди, аммо...
Аввало, ўша кунги тузилган гуруҳ тарқалиб
кетди. Ҳамма ўз тирикчилиги билан овора.
Уларни йиғиш қийин: бировини топса, бош-
қаси йўқ. Муаллим ноилоҳ ёнига бир-иккита
ийгитларни олиб ўзи ишга киришди.

Асфалт заводининг бошлиқларидан бири
собиқ ўқувчиси Мансуржон экан. Суюниб
ёнига кирдию, ҳафсаласи пир бўлиб чиқди.
— Яхши гап, домла, — деди Мансуржон
жилмайиб. — Асфалт тайёр. Пулини ўтказиб
берсаларингиз, бугун оlib бориб ётқизи-
б берамиз. Аммо... қишлоқни биаламан. У
йўллардан машина юролмайдими. Аввал, ўша
ўнқир-чўнқирларни текислаш, шағал ётқи-
зиш керак. Кейин бемалол...

— Ўв, шоғирд, сен қишлоқнинг йўли оғир,
ўнқир-чўнқир дейсан. Бу гапларни мен ҳам
биаламан. Ана шунга тазатишга келганда бир-
ров “мик” этмайди. Сен ҳам шу ернинг ода-
мисан. Пулини бериш бўлса, берамиз.
Худодан жон қарз бор, бўтам. Сунбулага
омон-эсон етсак, икки кам саксонга чиқаман.
Менга нима зарил дейсан. Шу... биздан
кейингилар биз юрмаган йўллардан юрса
деймиз-да. — Дадаш муаллим сўнги гаплари-
ни четга қараб айтarkan, худди ўзига ўзи
гапиргандек, ҳаёлча эди.

Мансуржон Дадаш муаллим айтган гаплар-
дан туйқус таъсирланиб кетди. Катта идора,
бир ерга қимчи келадиган бўлса, бир даво билан
келади. Ҳаммаси ҳам гапга етар одам-
лар, аммо... бундайларни кўравериб кўзи
пишиб кетган собиқ ўқувчи домланинг
кўнглидаги эзгу ниятларни чуқур ҳис этди.
Ва икки кун деганда қишлоқнинг кўчасига
қағал келиб тушди. Одамзоднинг табииати
қизиқ-да: бир иш бошланмагунча бир тийин
бериши қийин. Дадаш муаллим Солибой
фермерни шағал тўқайтган машиналарнинг
олдига бошлаб келди. Йиғилиб турган беш-
ўн қари-ёш билан Солибой сўрашга,
— Ишлар катта-ку, малим, айтган гапингиз
чин экан-да-а? — деди қулиб.
Шу гапни кутиб турган Дадаш муаллим
йўлаб турганини айтди:



— Солибой, сиз
ҳам ҳокимликнинг ва-
кили олдида бизнинг
гуруҳга аъзо бўлган-
дингиз, бажарамиз,
қиламиз, деган эдингиз.
Мана, шағал туш-
ди. Асфалт ҳам ётқи-
зилади. Сизда вақт
йўқ, биламиз. Лекин
бунинг ҳисоб-китоби
бор, сизни шунга ча-
қирдик. Йиғилиб тур-
ганларнинг бариси
фермернинг оғзига
қараб турар, буни
сезган, айни дамда
бу гапни кутмаган, аникроги ишинг
бунчалик жиддий тус олганига ишонмаган Соли-
бой бир оз жим турди-да, гапнинг бўларини
айтди:

— Тушунарли, домла, йиғитларнинг биро-
ви заводнинг шартномасини олиб борсин,
пулини ўтказиб бераман. Сизнинг гапингиз
бизга қонун! Фақат асфалтнинг пу-
линиям қўшиб ёзиворамсин, домла.
Бошқа савоб талаб дўстлар хафа
бўлишадими, — деди қулиб.

— Эй, отангга раҳмат! Мана, ўғил бола-
нинг гапи бўлди-да бу. Қани, ҳей, мусулмон-
лар, қўл кўтаринг, шу йиғитга бир дуо бе-
райлик...

Йиғилганлар дуога қўл очдилар.
Яқшанба кунларининг бирида ҳамқишлоқ-
ларини хашарга чақирди. Чиққан чиқди, чиқ-
маган йўқ. Мактабдан юқори синф ўқувчилари-
ни ҳам жалб этди. Белкурак, кетмон, зам-
бил ташкил қилди. Икки ҳафта деганда
йўллар текисланди.

Ростдан ҳам биргина Соли фермерга ҳам
шағал, ҳам асфалтнинг малол келиши аниқ.
Шу боисдан Дадаш муаллимни тағни ўй бос-
ди. Худди ўзининг уйига қурилиш бошлаган-
дек безовта эди домла. Уздаги бу ўзгар-
ишдан ўзи ҳам ҳайрон эди. Домла энди маҳал-
ла раиси Тўлқин Рахимовнинг маслаҳати
билан йиғилган мажлисда шу гапни қўзга-
ди. Натижа ёмон бўлмади. Ўзимиз учун, қола-
верса, савоб учун деган гаплар бежиз кет-
мади. Одамлар ҳали бу гапларни билади,
эйтишди бор ҳали бундай нарсаларга. Бўла-
ри гап ҳам шу-да. Дадаш муаллимнинг бо-
лалик дўсти Носир бобо “Бир қўзили совли-
ғим бор, шуни бераман, неваралар мактаб-
дан қайтганда қийналмасин”, деди. Аслида
Носир бобо бу гапни айтarmиди-йўқми, маж-
лислардан бир кун олдин Дадаш муаллим унинг
уйига келиб, “Носир, жўра, энди бир қўлай-
сан. Биласан, кўпнинг олдида ваъда бериб
қўйганман. Балиқ билар, балиқ билмаса
Ҳолиқ билар, хуллас...” деб гапни пишитган-
ди. Икки қариянинг муддаоси ўша... Зора...

Кўпники — қўл, деганлар. Қишлоқнинг
олди тадбиркорлари бўлган ака-ука Санабе-
ковлар гарчи, ҳозир туман марказида яша-
салар-да, мажлисда отаси ваъда берганини
эшитиб, асфалт заводга пул ташлаб
берадиган бўлишди. Ва ҳаказо...

Саф-саф машиналарда асфалт келган,
тракторлар уни ётқизиб текислаб бошлаган
кунлари қишлоқда нақ байрам бўлиб кетди.
Қисқаси, йўл битди. Йўлки, қулинг ўргил-
син. Энди шундай йўл қоронги бўлиб ётса
ярашмас, ахир. Симёғочларни кимдир “Ўзи-
мизда терак бисёр. Шундан тортиб қўйайлик”,
деди. Бу гап кўпчиликка маъқул келди. Аммо
Дадаш муаллим буй бермади.

— Хов анави урушдан кейинги йилларда
шундай эди. Терагинг ўн-ўн беш йилда чи-
рийди, курт еб шамолда бировнинг устига
ағанаб кетади. “Падаринга лаънат,
сендай ток тортигиларни” деб орқан-
гандан сўкиш эшитиб юрасан ҳам-
манг. Узоқ бўлсаям, йўл яхши, де-
ган машойиллар. Семент столба керак биз-
га. Ҳали бу ерлар қишлоқ бўп кетади. Шунда
шулардан фойдаланади. Биров эл ошиб
кўчиб келмайди, бу ерларга. Ўзимизнинг бо-
ларар кўчиб уй солади. Гап тамом. Терак
симёғоч бўлмайди.

Дадаш муаллим тўғри айтганди. Шу
сабаб маҳалла гузар-гузар бўлиб ўзларига
тегишли жойга семент симёғоч топадиган
бўлди. Албатта бирор жойда ўсиб турмайди
бу матоҳ. Пул йиғишди, тракторга ортиб,
судратиб келишди. Туман электр идораси
одам юборди. Мутахассислар симёғочларни
ўрнатиб кетишди. Буни кўриб Дадаш му-
аллим хурсанд бўлди, кўзларига ёш келди.

Энди бочоқ мактабини таъмирлатишга ки-
ришмоқчи эди, эски касали қўзиб, ётиб қолди.
Маорифдагилар “Домла, чарчадингиз. Буёғи-
ни ўзимизга қўйиб бериңг. Вақти-соати билан
бўлади”, деб уни тинчлантиришди.

Ана ўша кунларнинг бирида қишлоқ клу-
бида бажарилган ишлар юзасидан мажлис
чақирилди, ҳокимликдан ҳам одам келди.
Қишлоқ фуқаролар кенгаши, унинг раиси-
ни мақтовларга қўшиб ташлади, айниқса,
Дадаш муаллимни “тишиб-тинчимас отахон”
деб унга раҳматлар ёғдиришди. Ҳатто сўз
олган мактабининг ҳозирги директори ҳазил-
лашиб “Дадаш ака, бирон эллик йилдан сўнг
номингизни мактабга қўямиз, деб юргандик,
энди маҳаллага қўйиладиган бўлди”, деди.
“Нега эллик йил?”, деган гапга “Дадаш ака
бизга мана шу қурилишларнинг ҳаммасини
бажариб бермагунча у ёққа жавоб йўқ-да,

қолаверса, яна эллик йиллар биз билан бир-
га юради”, деб ҳаммани қулдириди.
Тантанали йиғилишдан кейин зиёфат
бошланди. Фуқаролар кенгаши зиёфатга
катта тайёргарлик кўрган экан. Қўй сўйил-
ди, ош тортилди. “Асфалт бўлган йўллар,
чироқлар нуридан қароғон қўчалар учун”
қадахлар ҳам кўтарилди. Буёғига қуй-
қўшиқ, рақс авжига чиқди. Қаро-бадабанг
базм анчагина давом этди.

Дадаш муаллим кўз ўнгига бўлаётган баз-
мага қараб ўтирarkan маҳалланинг бирорта
тўйида бундай шод-хуррамлик бўлмаслигини
беҳос англаб қолди. Ҳа, одамларни қувонти-
риш учун қўп нарса керак эмас. Бошини би-
риктириб туришса, бас. Шу каби ўйлар билан
қўп қатори ўтирган муаллимнинг бирдан қўра-
ғи санчди. Ўтиб кетар деган ўй билан қўқсини
силаб, чуқур нафас олди. Бўлмади. Ҳеч кимга
сездирмай ташқарига йўл олди. Ёнидаги
Носир бобо “Ҳа, Дадаш?” дегандак қараш
қилди. Муаллим кўзларини баравар юмиб-
очиб “Ҳозир қайтаман” ишорасини қилди.
Аммо Дадаш муаллим даврага қайтмади.

Ўша оқшомда Дадаш муаллимнинг юраги
санчган, клуб билан қишлоқ кўриши бун-
чакка келиб чўккалагани бор гап эди. Ҳатто
кимингдир унинг ёнидан ўтаётиб, “Қўп оти-
ворибди-да, ишни қилган бирор, маст бўлиб
майшат қилган биров”, дея муаллимни та-
нимай ўтиб кетгани ҳам рост эди. Овозидан
пастки қишлоқлик Сарвар тракторчи экани-
ни у зоқлаб кетгач пайқади домла. “Тани-
мади”, деб кўнглидан ўтказди, муаллим. Ҳа,
Сарвар домлани танимади, эҳтимол кайфи
бордин. Ўлиб-тирилиб шағал ташган, симёғоч
ташиганларнинг бири шу Сарвар эди.

Дадаш муаллим ўзига келмади, ўзи айт-
гандек сунбула ўтиб, икки кам саксонга кир-
ганде, кунлар салқин тортган бир кунда
омонатини топшириди. Туман марказидан
уйига олиб келишганда ҳам хушёр эди.
Тепасида турган ўғлига тикилиб бўшди кейин
Носир жўрасига қараб икки оғизгина гап
айтди муаллим:
— Носирбөк, жўра, бир йилча бурун
қўнғининг олдида ваъда бергандим. Бир
қисмини бажардим. Энди буёғига ўзинг бош
бўл. Энди менинг илҳақ бўладиган бошқа
иш ҳам йўқ.
Дадаш муаллимни қишлоқнинг қабристон
томон олиб ўтаётган машиналар текис
асфалт йўлдан олиб боришар, ҳамминанг
кўнғилдан бирдек гаплар кечаётган эди.

«УЗАС» гаперресу



Шоҳруҳ Намозов. «Қўриқин фаршита» (2010 йил).

Хар бир инсонда ҳаётга ўз муносабатларини билдириш истаги мавжуд. Бу истақ қўлга қалам тутқазиб, ажойиб иход намуналарини яратишга, ҳеч бўлмаганда эса оддий хотиралар дафтари дунёга келишига сабаб бўлади. Техника фанлари доктори, профессор Абдуваҳоб Икромов бир умр педагогик фаолият билан шуғулланиб, талабаларга таъ-

ларини ҳаётда маёқ қилиш, яқин дўстинг ва биродарларингга қандай муносабатда бўлиш одобларини яратиб берди. Инсон илми эмас, амали ва одоб билан азиз эканини ўқувчиларга эслатиб ўтади.

Китобонгазми ўқувчи

ростнинг баҳосига тенг эканлигини таъкидлайди. Чунки бу орқали диндошлар ҳаёти, Ватан ва яна кичик бир ватан бўлган оила сақлаб қолинапти. Булар эса инсон асраши керак бўлган энг муқаддас қўрғонлардир. Олимнинг «Дилимдаги дурдоналар» китоби отанинг ўзига насихатлари тарзида битилган. Маълумки, дунё адабиётида отанинг

МУАЛЛИМНИНГ ДИД ШОДАЛАРИ

лим-тарбия бериб келди. Аммо муаллимлик фаолияти давоминда кўрган-кечирганларини, умрининг турфа синовлари, сир-синоатларини, олам ва одамзод ҳаётидан олган хайратларини, маърифатли, боодоб ва юксак маънавиятли инсонларга хос улуг фаилатларини, уларнинг ўғитларини «Сатримга сизмаган мазмунлар» номли шеърий ва «Дилимдаги дурдоналар» номли автобиографик (ҳасби хол) характердаги насрий китобиди ярак қўри билан қаламга олди. Олимнинг соҳаси кимё фани бўлса-да, ўтмиш аждодларимизга муносиб назм ва наср сирларини пухта эгаллади ва уларни китоблари мисолида кўрсатиб берди.

Муаллиф «Биродарлик ҳақлари» шеърида гўзал бир ҳақиқатни ўқувчининг ёдиға солиди. Одатда, ёлгон гапириш энг катта гуноҳлардан ҳисобланади. Боболаримиз, устозу муаллимларимиз, ота-онамиз ҳаминиша бу гуноҳга қўл уришдан бизни қайтариб келган. Баъзи ёшларда эса «нахотки ҳаётда ҳеч қачон ёлгон гапириш мумкин бўлмасми?» деган ҳақли савол тугилиши мумкин. Илм ҳавосидан нафас олаётганлар ёлгоннинг ҳам ўз ўрни борлигини, албатта, яхши билади. Лекин буни билмайдиганларга Абдуваҳоб Икромовнинг бир шеъри яхши жавобдир. Унда гуноҳи қабирадан бўлган ёлгон уч ўринда ишлатилса жоизлиги, яъни диндошлар ўртасида низо чиқадиган бўлса бунинг олдини олиш учун, оилани бузилиб кетишидан сақлаб қолиш учун ва Ватан муҳофафаси учун душманга ёлгон ва хийла ишлатиш мумкинлиги содда ва тушунарли баён этилган. Шунингдек, муаллиф бу уч вазиятда ишлатилган ёлгон, хийлангнинг баҳоси ҳар қандай

ўғлига мактублари жанрида яратилган баъзи асарлар бор. Шарқда эса ўғлига атаб битилган «Қобуснома»дек йирик асарларини, Суфий Оллоҳёр каби адибларнинг ўғлига насихат қилиб ёзган шеърларини яхши биламиз. Абдуваҳоб Икромовнинг китоби ҳам мазмунан шундай жанрда яратилган асарларга ўшаб кетади. Лекин бу китобда ўғлининг келажағига ҳақик ва ҳавотир билан қараётган безовта ота эмас, балки мустақил Ватаннинг нури келажағида фарзандининг муносиб ҳиссаси бўлишини умид билан истаган ва ўғлининг бу умидни рўёбга чиқаришига катта ишонч билан қараган ота тимсоли гавдалантирилган. Заҳматқаш олимимизнинг ихкала китоби ҳақида кўп яхши фикрлар билдириш мумкин. Эҳтимол бироз суст чиққан шеърлари ҳам бордир. Зотан, ижоднинг табиати ҳам ҳамма вақт бир хил сифатли ва етук асарлар ёзиш мумкин эмаслигини тақозо қилади.

Сайфиддин САЙФУЛЛОХ, Алимардон ХАЙИТОВ, филология фанлари номзодлари

«БУЮКЛАР ТУХҒАСИ»

«Мухаррир» нашриётида chop этилган профессор Маҳмуд Аъсад Жўшоннинг «Буюклар туҳғаси» (2012) рисоласида қўлёзма манбаларни излаб топиш, илмий тадқиқ этиш, мумтоз туркий адабиёт вақиллари ҳаёти ва иходи билан боғлиқ айрим муаммолар, адабий жанрлар, санъатлар, афсонанинг ҳақиқатга айланиб кетиши ёки ҳақиқатнинг афсона тусини олиши ҳақида ҳар бир китобхон ўрганса, албатта, фойда олади-ган ажойиб манбалар келтирилган.



Доимий ҳаёт

лишлар-у, бўҳронларни бошдан кечиргани, қандай маданият яратгани, урф-одатлари, тафаккур тарзи қандай бўлгани не ўйлар ва орузлар билан яшагани ҳақида маълумот берадиган энг ишончли манбалардир. Қўлёзмаларнинг шакли ва турлари ҳақида сўз юритаркан, муаллиф бу манбалар қандай тартибда ўрганилса самарали бўлиши борасида ўз тақлифларини айтган.

«Диний ривоятлар, қисса ва достонлар кўпинча — бошқа диний ўқув адабиётлари каби — оқшомги йиғинларда, узун кийш кечаларида бобма-боб ўқиб келинган. Ҳатто шеърини услубда ёзилганлари мақом ва куйга солиб ижро этилган бўлиши керак... Аждарҳо достони, Кабутар ҳикояси, Кийик ҳикояси, Малика достони, Фотима достони сингари диний адабиёт намуналаридан бири эса Уккоша ҳикоясидир», деб ёзади олим. Муаллифнинг таъкидлашича, ана шу санаб ўтилган достон ва ҳикояларнинг баъзилари илхоснинг зўридан пайдо бўлган. Айримлар эса шу вақдан бўлиб ўтган воқеанинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида бўрттирилган. Шундан келиб чиқиб, олим бир неча арабий ва форсий манбаларни титкилаб Уккошанинг шахсини аниқлаштиради ва унинг Пайғамбар алайҳиссалом яши кўрган эътиборли саҳобийлардан бири бўлганини аниқлайди. Китобдан ўн унга илмий мақола жой олган бўлиб, ана шу мақолаларнинг ҳар бири туркий халқлар тарихи ва адабиётига муҳим бир илмий аниқлик олиб кирган. Аъсад Жўшон бошқа бир китобиди «Бир олим бир нарсга ёзар бўлса, шубҳасиз, янги фикр айтади, эски гапни қайтариш илм одами учун уятли ишдир», деб ёзган эди. Олим «Буюклар туҳғаси» китобиди ҳам ана шу ҳаётини принципига содиқ қолган. Нашр масъул муҳаррири ва сўзбоши муаллифи Сайфиддин Сайфуллоҳ. Рисолани нашрга тайёрловчи Нодирохон Ҳасан.

Дамин ЖУМАКУЛОВ

«БЕГОНАЛИК»

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси беш тахририяти ҳарбий шифокор, истеъфодаги полковник Иброҳим Бекнинг «Бегоналик» деб номланган қисса ва ҳикоялар тўпламини босмадан чиқарди. Тўпламга жамланган асарларнинг асосини ҳаётда учраб турадиган воқеа-ҳодисалар ташкил этади. Бироқ уларни мутолаа қилганда муаллиф ҳаётда учрайдиган воқеаларни мушоҳада орқали таҳлил этишга, муайян бадий умумлашмалар чиқаришга интилгани кўриниб туради. Хусусан, «Қўрқок» номли ҳикояда адиб ҳаётга тийрак нигоҳ ташлай олмайди, қиморбошлик оқибатида зағу туйғуларини бой берган бебурд кимсаннинг тақдирини тасвирлайди. Оила муқаддаслигини ҳис этмагани боис фарзаңдларидан ажралган ношуд кимсаннинг аянчли қисмати жуда кўп ёшларга сабоқ бўлиши мумкин. «Афзал қочиб кетибди. Энди муосиф юрдага ўлиб кетади», деган гап бутун кишлоққа тарқалди, — деб ёзади муаллиф ҳикоя сўнггида. — Бу пайтда Афзал поезда, юраги пўкилаганча якка ўзи номаълумлик, муҳамлик томон кетиб боради, кўларидан алам ва ожизлик, армон ва пўшаймонлик ёшлари тиркираб оқар, аммо энди кеч, жуда ҳам кеч эди...»



«Бегоналик» қиссаси, шунингдек, «Жазо», «Тақдир истаги», «Угай оналар», «Меҳр ташнаси», «Бўса» каби ҳикоялар ҳам ҳаётини воқеаларга асосланб ёзилгани боис китобхонни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ризвоной НИЗОМОВА, ЎзДЖТУ талабаси

«ЭНГ УДУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Бошланғи биринчи саҳифада.

тараққийнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани, «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган олижаноб давват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган; истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину динъатимиз, қўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, кишлоқ аҳлига муносиб турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини толган; халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониётларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани,

юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳити, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган таъкиқ сиёсатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

«ЭНГ УДУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ҚУЙДАГИ НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛАДИ:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
 - босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
 - телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
 - тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
 - кино санъати асарлари.
- Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйдаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:
- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти

тўғрисида қисқача маълумот;

- муаллифнинг پاسпорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда chop этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг удуғ, энг азиз» танловига деб қўрсатишган ҳолда қуйидиги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ўй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий санъат» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

тўғрисида қисқача маълумот; — муаллифнинг پاسпорти нусхаси; — иш жойидан тавсиянома; — муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда chop этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг удуғ, энг азиз» танловига деб қўрсатишган ҳолда қуйидиги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-ўй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий санъат» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Бўғимларга шифони беш маҳсулот

Европа ортопедия ассоциацияси мутахассислари ёз мавсумида бўғимлар учун фойдали бешта маҳсулотни истеъмо қилишни тавсия этиди.

1. Чўчқ қалампири. Унинг таркибида тоғай (кемирчак)ни озиклантурувчи майда томилар фаоллигини оширадиган аскорбин ва бошқа қисқачлар жуда кўп.
2. Янги саримсоқ ва ёввойи саримсоқнинг — янгиликаниш ни бартараф этидиган фитонцидларга бой.
3. Исмаюқ ва петрушка таркибидаги К дармондориси — тўқима ва ҳужайралар янгиликанишига ёрдам беради.
4. Олча — таркибидаги фаол моддалар организмдан тузаларни чиқариб юборишига ёрдам беради. Подградан азият чекувчилар кунига бир сикман янги олча истеъмо қилиб юришлари керак.
5. Ёш эчки сутидан тайёрланган шифокор ва творог. Ёзда офтобда кўп юрилгани боис, бу маҳсулотдаги кальций организмга яхши сингади. Эчки ва сигирлар ёзда қуруқ беда эмас, балки энди ўсиб чиққан ўтлар билан озиклангани сабабли уларнинг сўтида дармондори ва фойдали аминокислотлар кўп бўлади.

Реватолог шифокор В. Ялининнинг ёзишича, сарсабил, ошқовок, ҳатто, авақодо (ўртача катталиқда, ҳафтага бир дона) ҳам бўғимларга яхши таъсир кўрсатади. Уларга тоғай ҳужайралари эгилувчанлигини таъминлайдиган моддалар, мағний ва В гуруҳидаги дармондорилар кўп. Шунингдек, кунжут, ошқовок, қунгабоқар уруғи ёғлари ҳам фойдали.

Шунга қарамай, помидор ва барча итузумдошлар, қизил гўшт (мол гўшти, айниқса, қовурилган ва қоқлангани), консервлар истеъмо қилинганда бўғимлар огрийди. Суяқ мўртланиб, тоғайларда емирилиш белгилари пайдо бўлганда организмда бириктирувчи моддаларга эҳтиёж ошади. Шунинг учун тез-тез ҳолодеқ, товуқ ва балиқдан сардаклар тайёрлаб истеъмо қилиш зарур. Бундай бириктирувчи таомлар қўлгина дори маҳсулотларидан кўра самарали.

Оғриган бўғимларни қиздириш мумкин эмас, агар уларда яллиғланиш бўлса, оғриқ қучаяди. Вена томири ёки бўғимларда бирор муаммо бўлса, қорайиш, тўғри тушадиган офтоб нурида бир йўла беш дақиқадан ортиқ туриш мумкин эмас. Бунда сузиш, сувга денгиз тузи қўшиб ванна олиш, ултратовуш, фонофорез, родонли ванна каби муолажалар фойдали.

Интернет хабарларидан. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Шодмон Отабоевга онаси НИШОНБУВИ аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилнинг: Тошкент — 100083, Матбуотчйлар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91

Котибият — 233-49-93

Электрон манзилнинг: uzas@mc.s.uz

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86

Санъат бўлими: 233-56-99

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топшириди — 19.58

ЖУМА КЎНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

7 72 1 61 614 000

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 4407 Буржест Г — 744, Ҳазм — 3 Босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 ' 5